
Тошлоқдаги иккита қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Тошлоқ туманининг иккита қишлоғи(Фурқат ва Бўстон)да “Обод қишлоқ” дастурига асосан 4,970 млрд.сўм республика бюджети маблағлари ҳисобидан, 22,8 км ичимлик суви тармоғи тортиш, 2 дона сув қудуғини янгилаш ва реконструкция қилиш, 4 дона сув минорасини ўрнатиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Жумладан, “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2,78 млрд.сўм маблағлар ҳисобидан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, 15,8 км ичимлик суви тармоғини тортиш, 1 дона сув қудуғини қазиш ва 2 дона сув минорасини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Бошланган ишлар ўз ниҳоясига етгач, ҳудуддаги 680 дан ортиқ хонадондаги 4,1 минг нафардан зиёд фуқаронинг ичимлик суви билан боғлиқ муаммолари тўлиқ бартараф этилади.

2021-06-04 18:06:15